



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2014 йил 12 февраль, № 30 (5960)

Чоршанба

«ТАЪЛИМ ВА МУТАХАССИСЛИК»

Пойтахтимизда ана шу мавзуга бағишлаб ташкил этилган кўргазмада ёшларимиз ўзлари қизиққан соҳалар бўйича батафсил маълумот олишмоқда.



Мунтазам ўтказиб

келинаётган

«Таълим ва мутахассислик»

кўргазмасига

2005 — 2013 йиллар

давомида

70 000

нафардан зиёд иштирокчи
ташриф буюрди.

ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА



Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида навқирон авлод камолоти йўлида жуда кўп эзгу ва ибратли ишлар амалга оширилаётди. Хусусан, бири-бирдан кўрам ва замонавий таълим муассасалари, илму ҳунар марказлари мустақил юртимиз йигит-қизларининг ўз иқтидорини намоён этиши учун кенг имкониятлар яратмоқда.

Қувонарлиси, республи-

каимизда ёшларнинг нафақат билим олиши, балки уларни ўз мутахассисликлари бўйича иш билан таъминлаш масаласи ҳам давлатимиз эътиборида. Масалан, 2013 йилда мамлакатимизда 970 мингдан ортиқ иш ўрни ташкил этилган бўлса, уларнинг аксариятига ёшлар қабул қилинди.

Эртаминг эгаларининг касб-кор танлаши ва иш топишида доимий ўтказиб

келинаётган кўргазмаларнинг ҳам ўзига хос аҳамияти бор. Чунончи, кеча пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида бошланган «Таълим ва мутахассислик» Х халқаро кўргазмаси хусусида шундай дейиш мумкин. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Савдо-

саноат палатаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур кўргазманинг очилишида сўзга чиққанлар мамлакатимизда ёшлар манфаатларига мос шарт-шароитлар яратилгани, уларнинг бугуни ва истиқболи учун кўплаб амалий дастурлар, лойиҳалар ҳаётга татбиқ қилинаётганига алоҳида тўхталиб ўтишди.

(Давоми 2-бетда).



ТИББИЁТ

“Соғлом авлод — соғлом келажақ”. Бу шунчаки сўз эмас, балки ўзига хос қадрият, эзгулик ва яхшиликни муҳассам этган бугунги кунимизнинг ҳақиқатидир. Айтиш жоизки, юртимизда мазкур йўналишда олиб борилаётган ишлар салмоғи катта, микёси кенг. Айниқса, бу борадаги халқаро ҳамкорликнинг амалий асосда йўлга қўйилганлиги алоҳида эътиборга молик.

Соғлом фарзанд — юрт таянчи

Президентимизнинг 2009 йил 1 июндаги “2009 — 2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини муостаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлоднинг вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида”ги қарори ҳам шундай эзгу мақсадга қаратилган. Ушбу қарор ижросини таъминлашда “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармасининг алоҳида ўрни бор. Бинобарин, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва мазкур жамғарма томонидан хорижий тиббиёт муассасалари билан ҳамкорликда ўтказилаётган тиббий кўрик ва муолажалар болалар саломатлигини янада муостаҳкамлаш, ўзаро тажриба алмашишда муҳим омил бўлмоқда. Чунончи, ҳамкорлик доирасида 2002 — 2014 йиллар давомида 231 нафар ўзбекистонлик бемор бола Германиянинг нуфузли клиникаларида даволанган бўлса, ушбу халқаро ташкилотнинг грант маблағи ҳисобидан 237 нафар

туғма лаб-танглай нуқсонли бўлган ногирон болада жарроҳлик операциялари ўтказилди.

Шунингдек, Корея Республикасидаги бир қатор халқаро ташкилотлар ҳамда университетлар билан ҳамкорликда ҳам кенг қўламли фаолият олиб борилаётган. Утган йили мазкур мамлакатнинг Ин Ха университети госпиталининг малакали шифокорларидан иборат гуруҳ юртимизнинг бир неча ҳудудларида бўлиб, жами 820 нафар беморни чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказди. Ушбу мамлакатнинг “Junior Chamber International-JCI” ва Ча университети қошидаги Бундан Ча госпиталининг малакали шифокорлари республикамиз мутахассислари билан биргаликда Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасида кам таъминланган оилаларнинг бемор болалари ҳамда ижтимоий муассаса тарбияланувчиларини чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказди.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти Дехлида намоёиш этилди

Дехлидаги “Прагати майдан” кўргазмалар марказида анъанавий SATTE халқаро сайёҳлик кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг бой сайёҳлик салоҳияти ҳам намоёиш қилинди.

БИЗ ВА ЖАҲОН

Ташкилотчилар маълумотларида қайд этилишича, SATTE халқаро сайёҳлик кўргазмаси йилдан йилга оммавийлашиб бормоқда. Бу йил ушбу анжуманда жаҳоннинг 35 мамлакати ҳамда Ҳиндистоннинг 23 штатида фаолият кўрсатдиган 600 дан ортиқ сайёҳлик компанияси ва агентликлар қатнашди. Улар уч кун давомида 50

минг нафардан зиёд меҳмонларга ўз хизматларини таклиф этди.

Кўргазмада мамлакатимиз туризм имкониятлари Ҳиндистоннинг “SAITO” ассоциацияси, “Dook Consulting Services” компанияси ҳамда “Innovative Travel Group” ўзбек сайёҳлик компанияси ва “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпанияси томонидан таништирилди.

Шунингдек, тadbир доирасида юртимиз сайёҳлик салоҳиятига бағишланган тақдирот маросими ўтказилди. Мамлакатимизнинг Дехлидаги дипломатия ваколатхонаси томонидан уюштирилган мазкур тadbирда Ўзбекистоннинг жуғрофий жойлашуви ҳамда гўзал иқлимнинг ўзига хос хусусиятлари, бой ва бетакрор тарихий-маданий мероси, ўзбек халқ амалий санъати ҳақидаги атрофчи маълумотлар тақдирот иштирокчиларининг эътиборига ҳавола қилинди.

(Давоми 4-бетда).



«Халқ сўзи»

газетаси сайтида ўқинг

«Фарзандларимни
ғазал ўқиб тарбиялайман»

...Сўхбат асосида маълум бўлдики, Самандар оилада иккинчи фарзанд экан. Тўнғич фарзанд — коллеж ўқувчиси Шохсанам ҳам Алишер Навоийнинг етмишта газалини ёддан айта олади. Самандар эса мутафаккир шоирнинг элликдан ортиқ, унинг синглиси қирқдан зиёд ғазалларини билади.

Халқ сўзи
Народное слово

Муқаддас бурч

Вобкент туманилик Азизбек Жўраев истараси иссиқ, бўй-басти келишган, кўзлари ёниб турадиган йигит. Айни кунларда у ҳам кўплаб тенгқурлари қатори муддатли ҳарбий хизматга жўнаш тараққидида. Бу ҳақда Азизбек ўзгача ғурур билан гапирди.

ҚАРОП ВА ИЖРО

— Бухоро банк коллежини тугатганман, — дейди у. — Болалигимдан армияга боришни, ҳарбий либос кийишни орзу қиламан. Шу боис коллежда, аввало, яхши ўқишга интилдим. Спортнинг юнон-рум кураши тури билан мунтазам шуғулландим. Мана шу жиҳатлар муддатли ҳарбий хизматга бориш учун белгиланган синовлардан муваффақиятли

ўтишимда қўл келди, деб ўйлайман. Қуролли Кучларимиз сафида жисмоний тайёргарлик ва билим даражамни янада ошириб, ҳарбий соҳа сир-асрорларини пухта эгallaб, юртимиз тинчлиги ҳамда осойишталигини таъминлашга ўз ҳиссамни қўшмоқчиман. Бурчимни адо этгач, келгусида ушбу шарафли касбда фаолият юритиш ниятидаман.

Оилада яхши тарбия кўрган, маҳалла-қўйнинг кўз ўнгиде униб-ўсган Азизбекка ўзшаган йигитларнинг кўпчилиги ҳозир ана шундай орзулар, эзгу мақсадлар оғушида.

— Чақирув мавсумини юқори савияда ўтказишимизда Президентимизнинг 2013 йил 20 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий

хизматга навбатдаги чақирuvi ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервида бўшатилиш тўғрисида”ги қарори муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётди, — дейди Вобкент тумани мудофаа ишлари бўлими масъул ходими, майор Файрат Шукуров. — Чақирилувчиларнинг саломатлиги, жисмоний ҳолати, интеллектуал салоҳияти, оилавий шарт-шароитлари чуқур ўрганилди. Жамоатчилик фикри инобатга олинди.

(Давоми 2-бетда).



хабарлар

Янгиликлар, воқеалар,

■ “Чорминор Бухоро” масъулияти чекланган жамияти — вилоятдаги энг кенжа тadbиркорлик субъектларидан бири. Бухоро шаҳрида жойлашган мазкур корхона фаолият бошлаши билан бу ерда меҳмонхона хизмати йўлга қўйилди.

Дунё андозалари даражасида

Бунинг учун лойиҳа ташаббускорлари ўз сармоялари ҳамда молия муассасасининг 200 миллион сўмлик кредитидан оқилана фойдаландилар. Натижада ўрта иш ўрни юзага келди. Ҳозир бу ерда меҳмонларга дунё андозалари даражасида хизмат кўрсатиш учун барча қўлайлик яратилган. Бухоро вилоятида ўтган йили хизмат кўрсатиш соҳасида 471 бизнес лойиҳа амалга оширилиб, бу мақсадлар учун 16,3 миллион АҚШ доллариллик инвестиция жалб этилди.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

■ Қишнинг айни аёз кунларида “Ўзулгуржисавдоинвест” уюшмаси тизимидаги “Шахрисабз озиқ-овқат моллари” масъулияти чекланган жамияти томонидан савдога чиқарилаётган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари нарх-наво барқарорлигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Қиш дастурхонига тўхфа

— Мавсумга пухта ҳозирлик кўргандик, — дейди жамият раҳбари Баҳром Раҳматов. — Шу мақсадда 2000 тоннадан ортиқ маҳсулот жамғарилди. Қолаверса, ишлаб чиқаришни ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор қаратганмиз. Хусусан, чорвачилик тар-

моғи, нон ва макарон маҳсулотлари тайёрлашни йўлга қўйдик. Албатта, бу каби тadbирларимиз аҳоли дастурхони тўқинлигини таъминлашга хизмат қилапти.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

■ Фаллаорол туманидаги “Ўткир Бунёд” хусусий корхонасида металлдан тайёрланаётган турли нақш ва безакли қурилиш ашёлари мустаҳкам ҳамда бежиримлиги билан ажралиб туради.

Бозор талабига мос

— Бозор талаби асосида 20 дан ортиқ турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирдик, — дейди корхона раҳбари Охун Абдуқодиров. — Доимий миқозларимиз — қурилиш ташкилотлари маҳсулотларимиз сифатидан мамнун. Келгусида фаолиятимизни янада кенгайтириш ниятидамиз.

Ўтган йили вилоятда саноат салоҳиятини ошириш ҳудудий дастурига асосан, 225 та лойиҳа ҳаётга татбиқ этилиб, 5255 та иш ўрни яратилди.

Улугбек АДИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

■ Навоий вилоятининг чўл бағрида жойлашган ҳудудлари — Қизилча, Ажрим, Темирқовуқ, Учтепа, Боймурод, Керизбулоқ, Утемурод, Кулқудуқ, Узунқудуқ қишлоқ ва овуллари аҳолиси ҳам замонавий телекоммуникация хизматларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлдилар.

Олис овулларда замонавий хизмат

— Туман ва шаҳар марказларидан бир неча юз километр олисда жойлашган аҳоли пунктларига сим торлиб бориш учун катта харажат талаб этилади, — дейди “Узмобайл” Навоий филиали участка бошлиғи Шерзод Ибрагимов. — Шу боис бу ҳудудларда симсиз

алоқани таъминлайдиган 10 та “СДМА-450” база станцияси ўрнатилди. Бунинг учун “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси томонидан 2 миллиард сўм маблағ йўналтирилди.

Азамат ЗАРИПОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бинобарин, таълим тизими-ни такомиллаштиришга қаратилган ислохотларнинг пировард мақсади келажак-гимиз бунёдкорлари бўлган ёш авлодни ҳар томонлама баркамол вояга етказиш, Ватанга садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятлар-га ҳурмат руҳида тарбия-лаш каби эзгу ниятларни мужассамлаштирган.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, мазкур лойиҳа Президентимиз қарори би-

марказлари, шунингдек, кўплаб иш берувчи ташки-лотлар иштирок этмоқда. ...Ёшлар ижод саройини айланамиз. Бу ерда юрти-миздаги етакчи олий ўқув юртлари, хорижий таълим муассасалари ўз фаоли-ятига доир тақдимотларни ўтказишяпти. Билимга чанқоқ йигит-қизларимиз эса хорижликлар билан инглиз, немис, француз, хитой ва яна бошқа чет тилларда бемалол суҳбат-лашишмоқда. Ёшларга ўз олий ўқув юрти ҳақида

та иштирок этишимиз, — дейди ўзини Латвия қишлоқ хўжалиги универ-ситети хорижий алоқалар бўйича мвуофиклаштирув-чиси деб таништирган Гатис Каспорипскис. — Бу ерда ўзбекистонлик икти-дорли ёшларни магистратура йўналишига ўқишга таклиф этаяпмиз. Билим масканимизда ёшлар ах-борот технологиялари, аг-ротехника, ландшафт ар-хитектураси ва яна кўплаб мутахассисликлар бўйича тахсил олишлари мумкин.



«ТАЪЛИМ ВА МУТАХАССИСЛИК»

Пойтахтимизда ана шу мавзуга бағишлаб ташкил этилган кўргазмада ёшларимиз ўзлари қизиққан соҳалар бўйича батафсил маълумот олишмоқда.

лан тасдиқланган “Ўзбе-кистон Республикасида ёшларга оид давлат сиё-сатини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар Дастури”га мувофиқ таш-кил этилаётир. Бундан кўзланган мақсад ёшларни Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлар таълим тизи-мининг замонавий услублари билан яқиндан таништириш, ўқув муасса-салари ўртасида ўзаро тажриба алмашиш, шунингдек, ўғил-қизлари-мизнинг қизиққан соҳала-ри бўйича таълим муасса-саларини танлашларига кўмаклашиш ва мутахас-сислик фаолиятидаги маъ-лум йўналишлар бўйича иш ўринларини тақдим этиш-дан иборат.

Икки йўналишда ўткази-лаётган ушбу кўргазмада Ўзбекистон, АҚШ, Малай-зия, Чехия, Хитой, Буюк Британия, Сингапур, Япония каби қатор давлатларнинг йигирмадан зиёд етакчи олий ўқув юртлари ва тил

маълумот бераётган ме-хмон суҳбатига биз ҳам қўшилдик.

— Мазкур халқаро кўргазмада биринчи мар-

Кўргазмада қатнашаёт-ган “Global study” мар-кази маркетинг менежери Малика Кенжаевани ай-тишича, мазкур ташкилот-

нинг тахсил олиш бўйича таклифлари иштирокчи-ларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Ташкилотчиларнинг ай-

тишича, кўргазмада сал-кам 20 минг нафар йи-гит-қиз қатнашиши кўзда тутилган. Уларнинг акса-рияти касб-хунар коллеж-лари ўқувчилари экани, айниқса, диққатга молик-дир. Нега деганда, ушбу тадбир битирувчилар учун танлаган соҳалар бўйича ишга жойлашиш ва олий ўқув юртлари ҳақида етарли маълумот олишда ахборот бозори вази-фасини ўтайди. Зеро, кўргазма доираси-да бўш иш ўринлари меҳ-нат ярмаркалари, олий таълим муассасалари-нинг тақдимот маросим-лари, маҳорат дарслари, шунингдек, турли семи-нар ва танловлар ўтказиш режалаштирилган.

Халқаро кўргазма 13 февралгача давом этади.

Омонулла ФАЙЗИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
Ҳосан ГАЙДОЕВ
олган суратлар.



Қисқа сатрларда

● Сирдарё вилояти мудофаа ишлари бош-қармасида йигитларни муддатли ҳарбий хизматга тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтди. Ушбу тадбирда давлат ҳоки-мияти ва бошқаруви идоралари, жамоат ташкилотлари вакилла-ри, қақирилувчиларнинг ота-оналари иштирок этди.

● Жарқўргон туман-идаги Гулҳовуз ма-ҳалласида замонавий қишлоқ врачлик пун-кти қурилиб, фойда-ланишга топширилди. Шунингдек, мазкур шифо маскани сўнгги русумдаги тиббий анжомлар ҳамда зарур жиҳозлар билан таъминланди.

● Нукус шаҳрида жойлашган “Муродбек мебель” масъулияти чекланган жамиятида банк томонидан ажратилган 170 миллион сўмлик кредит ҳисоби-га модернизациялаш ишлари амалга оши-рилди. Пировардида бу ерда тайёрланаётган махсулотлар сифати янада яхшиланиб, 25 фоиз умумдорликка эришилди.

● Эллиққалъа санъ-ат ва педагогика колле-жида бўлиб ўтган “Бобур издошлари” номли адабий кечада истиқлол йилларида Захириддин Бобур сиймоси, унинг бе-тактор ижоди ва фаолиятига муно-сабат тубдан ўзгарган-и, хусусан, унинг “Бобурнома” асари, газал ва рубойлари ёш авлодни меҳр-оқибат, Ватанга му-ҳаббат, юртга садо-қат руҳида тарбия-лашда катта аҳамият касб этаётгани алоҳи-да таъкидланди.

«Халқ сўзи»
мухбирлари хабарлари
асосида тайёрланди.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бунда ўзини ўзи бошқариш орган-лари, тиббиёт бирлашмаси, “Камо-лот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ту-ман кенгаши ва бошқа қатор таш-килотлар билан ҳамкорликда иш олиб бораётганимиз самарасини бермоқда. Муддатли ҳарбий хизмат-га жисмоний тайёргарлиги юқори, дунёқараш кенг, интилувчан ёшлар саралаб олиниб, тантанали равиш-да кузатилаёпти.

Таъкидлаш жоиз, қорорида номи келтириб ўтилган қарор ижросини тўлақонли бажаришда тизим мод-дий-техник базасининг мустақам-ланаётгани ҳам муҳим роль ўйна-япти. Бу ўринда кейинги йилларда Вобкент, Ромитан, Бухоро, Пешку сингари қатор туманларда мудофаа ишлари бўлимлари маъмурий би-нолари, қақирув пунктлари талаб даражасида таъмирланиб, жиҳоз-ланганини, вилоят йиғин пункт-и

нинг замонавий биноси қурилиб, фойдаланишга топширилганини ай-тиб ўтиш жоиз. Мана, иккинчи йил-дирки, йигитлар барча қулайликка эга худди шу кўркем бинода тўп-ланиб, муддатли ҳарбий хизматга жўнаб кетишмоқда. Биз ушбу масканда “Нуроний” жамғармаси, “Махалла” хайрия жамоат фонди вакиллари қаторида “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши фаолларини ҳам учратдик.

— Йигитларни муддатли ҳарбий хизматга кузатишга бағишланган тантанали маросимда иштирок этиш учун келдик, — дейди ўзини Абдурауф Отамуродов деб таниш-тирган ёшлардан бири. — Бундан тўрт йил муқаддам ўзим ҳам худди шу укаларим қатори муддатли ҳарбий хизматга отланган эдим. Армия мени тоблади. Катъиятли бўлишга ўргатди. Муддатли ҳарбий хизматдан тавсиянома билан

қайтдим. Ҳозир Бухоро муҳандис-лик-технология институтида ўқияпман. Кимёвий технология фа-культетида “Камолот” етакчисиман. Шу ташкилот қошидаги “Еш тад-биркор” маслаҳат марказида бизнес-тренерман. Эришаётган бундай ютуқларимда “хаёт мактаби” дея таърифланадиган армияда олган сабоқларимнинг аҳамияти катта, деб биламан. Чақирилувчилар билан ўтказилган мулоқот чоғида шулар ҳақида гапириб бердим.

Абдурауфнинг сўзларини тинг-лар эканмиз, ҳарбий либосда саф тортиб турган йигитларга бокдик. Ўзларини дадил тутишларидан Ватан хизматига тайёр эканликла-ри шундоқ билиниб турибди. Бу йигитлар эл-юрт, ота-она ишончи-ни, албатта, оқлашади!

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Фидойилик ва ташаббускорлик — фаолиятимиз мезони

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида мамлакатимизда истиқлол йилларида эришилган ютуқларни босқичма-босқич таҳлил этиб берав экан, халқимиз, жамоатчилигимиз намоёндалари бўлмиш вакиллик органларининг жамияти-миз ҳаётидаги роли ва аҳамиятини янада ошириш бугунги куннинг устувор вазифаси эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДА

Дарҳақиқат, юртимизнинг иж-тимоий-сиёсий ва иқтисодий та-раққиётини юксалтиришда, Ўзбе-кистон Республикаси қонунлари, Президентимиз фармон ва қарор-ларининг жойлардаги ижроси юза-сидан депутатлик назоратини таъ-минлашда халқ депутатлари ма-ҳаллий Кенгашлари фаол ишти-рок этмоқда. Чунончи, халқ депу-татлари Хоразми вилояти Кенгаши-нинг Маҳаллий бюджетни шакл-лантириш ва ижро этиш, иқтисо-дий ислохотларни амалга ошириш ва тадбиркорлиқни ривожланти-риш масалалари бўйича доимий комиссияси давр талабларидан келиб чиқиб, аниқ, пухта режа асо-сида иш олиб бормоқда.

Фаолиятимизда асосий эъти-борни Ўзбекистон Республикаси Вази-рлар Маҳкамасининг 2013 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқун-лари ҳамда 2014 йилга мўлжал-ланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари му-ҳокамасига бағишлаб ўтказилган мажлисида давлатимиз раҳбари

томонидан белгилаб берилган чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонининг ҳудуддаги ижроси ўрганилганида, бу борада айрим камчиликлар мавжудлиги кўзга ташланди. Шу боис жойларда тижорат банклари олдига қўйил-ган вази-фаларнинг бажарилиши самарадорлигини ошириш, паст рентабелли корхоналарда ишлаб чиқариш қувватларини йўлга қўйиш, кредитлар ажрати-лиши яхшилаш юзасидан мутасадди ту-зилмаларга тегишли тавсиялар берилди. Натижада вилоятдаги иқтисодий ноҷор, камқувватли корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш ва ишлаб чиқариш қувватларини ошириш ҳамда янги иш ўринлари яратиш бўйича худ-дий дастурга мувофиқ, тижорат банклари томонидан ўтган йили амалда 81 лойиҳага 15 миллиард сўм микдорида кредит мабла-ғари йўналтирилди.

Доимий комиссия мажлисла-рида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини яна-да қўллаб-қувватлаш ҳамда ри-

вожлантириш, улар томонидан ишлаб чиқарилган махсулотлар рақобатдорлигини ошириш, янги иш ўринлари яратишни рағбатлантириш бўйича тегишли идора ва ташкилотлар раҳбарла-рининг ҳисоботлари эшитиб бо-рилмоқда. Утган даврда доимий комиссия аъзолари томонидан депутатлик сўровлари мунтазам ўтказилгани, биргина 2013 йили 368 нафар фуқаро қабул қилин-ган, сайловчилар мурожаатлари ўз вақтида қўриб чиқилгани ушбу йўналишда қўрилаётган аниқ чора-тадбирларнинг аққол дали-лидир.

Бундан ташқари, халқ депу-татлари туман Кенгашлари томони-дан “Обод турмуш йили” Давлат дастури асосида олиб бори-лган ишларнинг самарадорлиги тўғ-рисидаги масалалар доимий ўрга-нилгани ва сессияларда муҳока-ма этиб бори-лган мазкур ҳуж-жатни рўёбга чиқаришда муҳим аҳамият касб этди.

Утган йилда ҳам вилоятда аҳоли бандлигини таъминлашга алоҳи-да эътибор қаратилди. Янги иш-лаб чиқариш объектларини ишга тузириш, корхоналарни модерни-зациялаш, кенгайтириш ва кичик бизнесни ривожлантириш каби омиллар ҳисобига 2013 йилда 60 минг 568 та иш ўрни яратилди. Уларнинг 49 минг 500 таси қишлоқ жойларда ташкил этилгани диққатга сазовор.

Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ижтимоий масалалар ечимида муҳим аҳа-мият касб этмоқда. Чунончи, ушбу тармок янги иш ўринлари барпо қилиш, барқарор даромад манбаларини яратишнинг зарур воситасига айланган. Шу боис соҳани ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш, иш берувчиларни рағбат-лантириш, бу борадаги вази-фаларни тўлиқ адо этиш масала-лари халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва улар доимий комиссияларининг диққат-эътибо-рида турибди.

Шу ўринда вилоят тижорат банклари томонидан ушбу соҳа-га йўналтирилаётган кредитлар-нинг ҳажми йилдан-йилга ортиб бораётганини қайд этиш жоиз. Айниқса, чекка туманлар ҳамда меҳнат ресурслари ортқи-ча

бўлган туман ва шаҳарларда жой-лашган тадбиркорлик субъект-ларига кўпроқ имтиёзли кредит-лар ажратилаёпти. Тижорат банклари томонидан вилоятдаги кичик бизнес ва ху-сусий тадбиркорлик субъектла-рига 2013 йилда 279,5 милли-ард сўм микдорида кредитлар берилиб, бу кўрсаткич ўтган йил-нинг шу даврдагига нисбатан 1,3 баробар кўпайди. Ажратил-ган кредитлар ҳисобига 24120 та иш ўрни яратилишига эришил-ди. Шу жумладан, аёллар тад-биркорлигини қўллаб-қувватлаш-га 35 миллиард сўм, оилавий тадбиркорлиқни қўллаб-қувват-лашга 7,2 миллиард, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини молиялаш-тиришга 8,9 миллиард сўмлик кредитлар берилди.

Вилоятни иқтисодий ва ижти-моий ривожлантириш бўйича қабул қилинган ҳудудий дастур-ларга қиритилган лойиҳаларни банк кредитлари ҳисобига молия-лаштириш бўйича ҳам қатор иш-лар амалга оширилмоқда. Утган йили ҳам 188 лойиҳага 25,7 мил-лиард АҚШ долларига микдорида кредит маблағлари ажратилгани фикримиз далилидир.

Келгусида доимий комиссиямиз бу каби долзарб масала-ларни ҳал этишда янада фаоллик кўрсатади. Маҳаллий Кенгаш депутатлари катта ишонч билдирилгани бу борадаги сай-ҳаракатларимизни дадил давом эттиришимизда алоҳида куч бағишлайди. Зеро, ана шу ишончга яраша масъулият билан ишлаш, пировардида ҳар биримизни эл-юрт ташвиши билан яшашга, халқ фаровонлигига ўз ҳиссамизни қўшишга ундайди.

Этамберган БОБОЖОНОВ,
халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг
Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий
ислохотларни амалга ошириш ва тадбиркорлиқни ривожлантириш
масалалари бўйича доимий комиссияси раиси.

Хусусийлаштириш ва қонунчилик

Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда парла-мент қуий палатаси томонидан биринчи ўқишда қабул қилинган “Хусусий-лаштириш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси янги тахирини навбатдаги босқичга тайёрлашнинг бориши муҳокама этилди.

ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

Таъкидланганидек, ушбу ҳуқуқий ҳужжат Мамлакатимизда демократик ислохот-ларни янада чуқурлашти-риш ва фуқаролик жамия-тини ривожлантириш кон-цепцияси асосида ишлаб чиқилиб, ҳукумат томони-дан Қонунчилик палатаси-га қиритилган.

Қонун лойиҳаси иқтисо-диёт тармоқларида нодав-лат секторнинг ролини яна-да ошириш, хусусий инвес-торларни соҳага жалб қилишни қўллаб-қувватлаш, салоҳиятли сармоядорлар-нинг барча тоифаларига ху-сусийлаштириш учун тенг имконият беришни таъмин-лашга йўналтирилган.

Тадбирда қонун лойиҳа-сини иккинчи ўқишга тай-ёрлаш учун қўмита қошида ташкил этилган ишчи гуруҳ аъзоларининг ахборотлари эшитилди. Айтиш жоизки, ишчи гуруҳ таркибига қуий палата депутатлари, Вази-рлар Маҳкамаси, Адлия ва-зирлиги, Ўзбекистон Рес-публикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Хусусийлашти-риш, монополиядан чиқа-риш ва рақобатни ривож-лантириш давлат қўмитаси ходимлари, шунингдек, экспертлар қатнашди.

Йиғилишда қонун лойи-

ҳасини маромига етказиш жараёнида ишчи гуруҳга манфаатдор вазирликлар ҳамда идоралардан, олим ва мутахассислардан кўплаб таклифлар келиб тушгани айтиб ўтилди. Улар давлат мулкани хусусийлаштириш-нинг асосий принциплари, хусусийлаштириш объектла-ри, хусусийлаштиришнинг муайян турлари хусусиятла-рини ҳисобга олиб, мазкур жараёнга оид шартлар ва усулларга аниқлик киритиш, иқтисодий-ижтимоий ман-сублиги ҳамда бозор шароитларида хусусийлаш-тиришдан кейинги фаолият-ни инобатга олган ҳолда мажбуриятларни қабул қилиш шартларини аниқ-лаштириш ва бошқаларга қаратилган. Бу эса ҳуқуқий ҳужжатни янада маромига етказишда айна мудадоир.

Тадбирда ишчи гуруҳ то-монидан қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш бўйича тақдим этилган так-лифлар муфассал таҳлил қилинди.

Қўмита аъзоси К. Жума-муротова тўхталиб ўтгани-дек, ишчи гуруҳ томонидан бу борада муайян ишлар амалга оширилди. Амалда-ги қонун ва қонуности ҳуж-жатлари ҳар томонлама қўриб чиқилди, ривожланган давлатлар тажрибаси ўрга-

нилди. Бу эса ундаги ҳаво-лаки нормаларни қисқарти-ришга имкон бериши билан аҳамиятлидир.

Умуман, қонун лойиҳаси-даги хусусийлаштириш ме-ханизмининг янада аниқлаш-тириш унинг шартлари ҳамда усулларини танлашга субъектив ёндашувнинг ол-дин олади, ушбу механизм-ни сезиларли кенгайтиради, мазкур жараённинг шаф-офлиги ва очиклигини, тегишли нормаларнинг бир хилда тушунилишини таъ-минлайди.

Қўмита аъзолари томони-дан қонун лойиҳасини мута-хассислар, айни чоғда хусу-сийлаштириш жараёнида қатнашадиган тадбиркорлар ўртасида муҳокамадан ўтка-ши мақсадга мувофиқ, де-ган ҳулосага келинди.

Бинобарин, яқин кунлар-да ушбу масалага бағишлан-ган давра суҳбатини ташкил этишга қарор қилинди. Шун-дан сўнг қонун лойиҳаси сиёсий партиялар фракция-лари ва Ўзбекистон эколо-гик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи йиғилиш-ларида муҳокама этилади. Уларнинг таклифлари ҳисоб-га олинган ҳолда мазкур лойиҳа Қонунчилик палата-сига иккинчи ўқиш учун қиритилади.

С. МАХСУМОВ.

Соғлом фарзанд — юрт таянчи

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

6 нафар бола эса Корея Республикаси клиникларида жарроҳлик йўли билан соғломлаштирилди.

Президентимиз таклифи билан жорий йилнинг мамлакатимизда “Соғлом бола йили” деб эълон қилингани бу борадаги хайрли ишлар қўламини янада кенгайтир-ди. Хусусан, январь ойида “Ewha Womans University” госпиталининг (Корея Республи-каси) 19 нафар малакали шифокордан ибор-рат делегацияси жамғарманинг тиббий-иж-тимоий маркази ҳамда Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасида болаларни тиббий кўриқдан ўтказган бўлса, қуни кеча Ёнсей университети қошидаги “Severance” госпитали шифокорлари ҳам ўзбекистон-лик ҳамкасблари билан ҳамкорликда кам таъминланган оилаларнинг уч юз нафарга яқин вояга етмаган болалари, 9-умумтаъ-



М. ХОЛМАТОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

бўлган туман ва шаҳарларда жой-лашган тадбиркорлик субъект-ларига кўпроқ имтиёзли кредит-лар ажратилаёпти.

Тижорат банклари томонидан вилоятдаги кичик бизнес ва ху-сусий тадбиркорлик субъектла-рига 2013 йилда 279,5 милли-ард сўм микдорида кредитлар берилиб, бу кўрсаткич ўтган йил-нинг шу даврдагига нисбатан 1,3 баробар кўпайди. Ажратил-ган кредитлар ҳисобига 24120 та иш ўрни яратилишига эришил-ди. Шу жумладан, аёллар тад-биркорлигини қўллаб-қувватлаш-га 35 миллиард сўм, оилавий тадбиркорлиқни қўллаб-қувват-лашга 7,2 миллиард, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини молиялаш-тиришга 8,9 миллиард сўмлик кредитлар берилди.

Вилоятни иқтисодий ва ижти-моий ривожлантириш бўйича қабул қилинган ҳудудий дастур-ларга қиритилган лойиҳаларни банк кредитлари ҳисобига молия-лаштириш бўйича ҳам қатор иш-лар амалга оширилмоқда. Утган йили ҳам 188 лойиҳага 25,7 мил-лиард АҚШ долларига микдорида кредит маблағлари ажратилгани фикримиз далилидир.

Келгусида доимий комиссиямиз бу каби долзарб масала-ларни ҳал этишда янада фаоллик кўрсатади. Маҳаллий Кенгаш депутатлари катта ишонч билдирилгани бу борадаги сай-ҳаракатларимизни дадил давом эттиришимизда алоҳида куч бағишлайди. Зеро, ана шу ишончга яраша масъулият билан ишлаш, пировардида ҳар биримизни эл-юрт ташвиши билан яшашга, халқ фаровонлигига ўз ҳиссамизни қўшишга ундайди.

Этамберган БОБОЖОНОВ,
халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг
Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий
ислохотларни амалга ошириш ва тадбиркорлиқни ривожлантириш
масалалари бўйича доимий комиссияси раиси.

ЖАХОН

24

СОАТ ИЧИДА

Австралия жанубидаги Викториа штатида ўрмон ёнгинлари кузатишмоқда.

Ўрмон ёнгинлари

Дастлабки маълумотларга қараганда, табиий офат туфайли ҳозирги кунга қадар йигирмадан зиёд тураржой биноси ҳамда 280 минг гектар майдонга жиддий зарар етган. Ёнгинга қарши кураш чоғида ўт ўчириш хизмати ходимларидан 12 нафари тан жароҳати олган. Худуд ҳавосини қуёқ тутун қоплагани боис Мельбурн шаҳридаги халқаро аэропорт фаолияти вақтинча тўхтатилди.

Викторияда 150 дан ортиқ ёнгин ўчоқлари қайд этилган. Улардан 19 тасини жиловлаш қийин кечаётгани айтилмоқда.

Чекувчиларга чеклов

Буюк Британия парламенти автомобилда болалар бўлган вақтда чекишни таққилловчи қонунни маъқулади, дейилади "AFP" ахборот агентлиги хабарида.

Ушбу чеклов ҳозирча Англия ва Уэльс ҳудудида амал қилиши назарда тутилган. Ҳужжат муҳокамаи чоғида мамлакат парламенти қўйи палатаси аъзоларидан 376 нафари уни жорий этишга рози эканини билдириб, овоз берган.

Буюк Британияда ушбу қонун лойиҳаси 2010 йилда, ўша пайтда ҳукумат раҳбари бўлган лейборист Гордон Браун ташаббуси билан ишлаб чиқилган эди. Аммо унинг ўрнига консерватор Дэвид Кэмерон келганидан сўнг, мазкур ҳужжат эътибордан четда қолиб кетганди. Жорий йилнинг февраль ойи

бошида мамлакат соғлиқни сақлаш тизимининг 700 нафар эксперти вояга етмаган болаларни тамаки тутунидан ҳимоялашни сўраб, ҳукуматга мурожаат қилган. Айнан ушбу ташаббус янги қонунни ҳаётга татбиқ этишга туртки берди.

Ортиқча юкка дош беролмади

Ҳиндистоннинг Орисса штатидаги Маханада дарёсида паромнинг ҳалокатга учраши оқибатида 28 киши ҳаётдан кўз юмди.

Фожаия юз берган вақтда транспорт воситасида юздан зиёд йўловчи бўлган. Улардан 90 нафари қутқариб олинган. Маълум қилинишича, паром ортиқча юкка дош бера олмай қўқиб кетган.

Бу жорий йил бошидан бери кузатилган учинчи мана шундай кўнгилсиз воқеадир. Январда Ҳиндистоннинг Порт-Блэр шаҳри яқинида, февраль ойи бошида эса Бангладешда паромларнинг ҳалокатга учраши натижа-сида 32 нафар йўловчи ҳаётдан кўз юмган эди.

Талаб ва шароит

Япониядаги айни пайтда ишламай турган 10 та атом реактори фаолияти жорий йил ёзида қайта йўлга қўйилади. Бу ҳақда "The Japan News" наشري хабар тарқатди.

Изоҳланишича, ҳаво ҳарорати кўтарилган вақтда мамлакатда электр энергиясига бўлган талаб кескин ортади. Уни тўлиқ қондириш учун эса АЭС-лардан фойдаланмасдан бошқа илож йўқ. Албатта, атом реакторлари экспертларнинг тегишли хулосаларидан сўнггина ишга туширилади.

Маълумки, 2011 йилда Японияда руй берган кучли зилзила туфайли "Фукусима-1" атом электростанциясида ҳалокат келиб чиққан эди. Шу воқеадан кейин мамлакатда АЭСлардан фойдаланиш қисқартирилганди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

● Реклама ва эълонлар ●

Хурматли кўрдошлар!

«Асака» банки (ОАЖ)

қуйидаги муддатли омонат турларини таклиф этади.

Миллий валютада:

«МУСТАҲКАМ ОИЛА»
Сақланиш муддати — 18 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугаганидан сўнг берилади.

«ФАРОВОН ТУРМУШ»
Сақланиш муддати — 12 ва 18 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар олдидан ёки омонат муддати тугаганидан сўнг берилади.

Хорижий валютада:

«ШОДИЁНА» (АҚШ долларида)
Сақланиш муддати — 2 йил бўлиб, ҳисобланган фоизлар 1 йил ўтганидан сўнг ёки омонат муддати тугаганидан сўнг берилади.

«СТАБИЛЬНЫЙ-1» (еврода)
Сақланиш муддати — 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугаганидан сўнг берилади.

Шўнингдек, «Асака» банкида 80 дан ортиқ омонат турлари жорий этилган бўлиб, бу ҳақдаги маълумотларни банк филиалларидан ёки банкнинг www.asakabank.com расмий веб-сайтидан олиш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: (8-371) 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон	Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13	Наманган вилояти филиали	369	226-94-75
«Автотранспорт» филиали	371	120-39-95	Навоий вилояти филиали	436	223-54-32
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36	Зарафшон филиали	436	573-18-78
Юнусобод филиали	371	221-80-67	Бухоро вилояти филиали	365	223-71-94
Сергели филиали	371	258-67-49	Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилояти филиали	371	120-84-13	Самарқанд вилояти филиали	366	231-08-86
Анджон вилояти филиали	374	224-40-96	«Афросиёб» филиали	366	221-77-56
Асака филиали	374	233-13-69	Қашқадарё вилояти филиали	375	221-12-93
«Фарҳод» филиали	374	226-97-53	Сурхондарё вилояти филиали	376	770-82-12
Фарғона вилояти филиали	373	224-70-83	Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	237-12-37	Хоразм вилояти филиали	362	226-97-78
Олтиариқ филиали	373	432-10-11	Сирдарё вилояти филиали	367	225-44-03
Қўқон филиали	373	552-61-04	Жиззах вилояти филиали	372	226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:

— солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
— маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;

— эгалик қилиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
— микдори чекланмаган.

«Асака» банк — сармоянгизнинг сақланиши ва қўпайишини кафолатлайди!

Хизматлар лицензияланган.

«Ўзтемирйўлйўловчи» ОАЖ

Ангрэн ва Поп шаҳарларида темир йўл вокзали қурилиши бўйича лойиҳа (архитектура ва дизайн) ишларига танлов эълон қилади.

Манзил:
Тошкент ш.,
Туркистон К., 7-уй.

Телефон:
(8-371) 238-89-96.

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

«Capital Realtor Group» МЧЖ Фарғона филиалида 2014 йил 28 февраль кунин соат 14.00 да бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Қувасой шаҳар СИБ томонидан Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2012 йил 24 декабрдаги 10-12-14/21970-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қувасой шаҳри, 3. Ҳасанов кўчаси, 48-уйда жойлашган, 0002-литердаги омборхона, 0005-литердаги ҳовуз, 0007-литердаги ҳовуз, 0009-литердаги девордан иборат бўлган бино-иншоотлар қўйилмоқда.

Бошлангич баҳоси — 42 853 348 сўм.

Барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Фарғона шаҳри, Бурҳониддин Марғинович кўчаси, 22-уй. Телефонлар: (+99873) 244-19-91, (+99890) 231-38-59.

Лицензия: № RR-0017.

МЧЖ шаклидаги «Ирригация бўйича БМКБ» қўшма корхонаси

фойдаланишда бўлган, пахта толасидан ип йигирувчи техник жиҳатдан соз тўқимачилик жиҳозини сотади.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Ғалаба кўчаси, 1-уй, МЧЖ шаклидаги «Ирригация бўйича БМКБ» қўшма корхонаси. Телефонлар: (8-371) 248-12-00, 248-15-01.

Корхонадан — дўконга

Гулистон туманида фаолият бошлаган “Мевазор мебель сервис” хусусий корхонаси дастлабки маҳсулотларини савдога чиқарди.

■ ИНТИЛИШ

Банкнинг молиявий кўмаги эвазига энг илғор технологиялар жорий қилинган мазкур кичик бизнес субъектида 15 турдан зиёд мебель жиҳозлари тайёрлаш ўзлаштирилди. Эътиборлиси, бу ерда ишлаб чиқариш цехи ҳамда савдо дўконлари бир мажмуада жамланди. Яъни корхона қошида иккита

савдо зали ҳам қурилди. Уларнинг бирида уй-рўзгор жиҳозлари савдоси ташкил этилган бўлса, иккинчиси идора мебеллари учун мўлжалланган. Натижада корхона учун ҳам, харидорлар учун ҳам қулайлик яратилди.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Хабар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛЫ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ КЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТҚАЗИШ ХОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2014 ЙИЛ 1 ФЕВРАЛДАН 7 ФЕВРАЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:
1. «Хавфли ишлаб чиқариш объектларидаги заҳарли ва токсик жўхтанган текшириш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қазини геологик ўрганиш, саноатда, қончилида ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2014 йил 9 январдаги 5-сонли буйруғи.
2014 йил 3 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2558 (2014 йил 10 февралдан қўшма қилди).
2. «Давлат акциялар пакети (улушлари)ни ишончли бошқарувга бериш бўйича танловлар ўтказиш қондаларини тасдиқлаш ҳақида» қарорга ўзгаришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2014 йил 22 январдаги 01/09-26/03-сонли қарори.
2014 йил 3 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами

1410-5 (2014 йил 10 февралдан қўшма қилди).
3. «Товарлар ва транспорт воситаларини белгиланган жойлардан ташқарида ва боқхона органларининг белгиланган иш вақтидан ташқари вақтда боқхона расмийлаштирувдан ўтказилган учун боқхона йиғинларини ундиритиш тартибига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Давлат боқхона қўмитасининг 2014 йил 26 январдаги 01-02/8-03-сонли қарори.
2014 йил 4 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 925-2 (2014 йил 10 февралдан қўшма қилди).
4. «Тренер ва тренер-ўқитувчиларнинг жисмоний тарбия маълумотида зга бўлишлари талаб этилмайди» спорт турлари рўйхатини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг маданият ва спорт ишлари вазирининг 2014 йил 3 февралдаги 91-сонли буйруғи.
2014 йил 5 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2559 (2014 йил 10 февралдан қўшма қилди).

«Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК

2014 йил 1 мартдан бошлаб республика ички қатновида ташиладиган юкларга нисбатан 10-01 прејскурсанти ставкаларига 1,28 коэффиценти, «Тошгузар — Бойсун — Қумқўргон» янги темир йўли иштирокида ташиладиган юкларга 1,346 коэффиценти ва ички қатновда «Ангрэн» халқаро логистика маркази иштирокида ташиладиган юклар учун 0,781 коэффиценти қўлланилишини маълум қилади.

Ўзбекистон Республикаси
Маданият ва спорт ишлари вазирлиги

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МИЛЛИЙ РАҚС
ВА ХОРЕОГРАФИЯ ОЛИЙ МАКТАБИ

кафедралар бўйича қуйидаги бўш (вакант) ўринларга юқори малакали мутахассислар танловини эълон қилади.

● Хореография кафедраси:
Ўқитувчи — 1 ўрин.

● Санъат тарихи ва назарияси кафедраси:
Ўқитувчи — 1 ўрин.

Аризалар эълон чоп этилгандан сўнг 1 ой муддатда қабул қилинади.

Манзил: 100031, Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 31-уй.
Мурожаат учун телефонлар: (8-371) 256-33-59, 256-36-91.
Факс: (8-371) 256-24-36.

Ректорат.

МЧЖ «KRANTAS» шартнома асосида ишлаб чиқаради ва сотади

БЕНЗОВОЗ «ISUZU», «КамАЗ» шассисиди

Буюртма асосида

ВОДА ВОДА

КАФОЛАТ 1 ЙИЛ

ВАХТА УЧУН АВТОБУС «КамАЗ» шассисиди (6х6) 20-24 одамга

Буюртма асосида

СУВ СЕПАДИГАН МАШИНА «ISUZU», «КамАЗ» шассисиди

Буюртма асосида

(8-371) 262-63-45, т/ф 262-23-61, (+99890) 187-52-05, (+99890) 808-88-17. www.ttemz-kran.uz

ООО «CRANES & SPECIAL TRUCKS» ишлаб чиқаради ва сотади:

АВТОКРАНЛАР юк кўтариши 16 т., 25 т., 32 т., 50 т.

Буюртма асосида

КАФОЛАТ 1 ЙИЛ

САМОСВАЛЛАР «HOWO SINCTRUCK» шассисиди, юк кўтариши 20 т., 25 т.

Буюртма асосида

Телефонлар: (8-371) 262-63-45, тел./факс: 262-23-61, (+99890) 187-52-05, (+99890) 808-88-17. www.ttemz-kran.uz

КРАНМАНИПУЛЯТОРЛАР «ISUZU», «КамАЗ» шассисиди, юк кўтариши 2,6 т., 5,3 т.

Буюртма асосида

1843R/1052

14 февраль — Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган кун

Хумоюн Мирзо Амир Темурнинг учинчи ўғли Мироншоҳ Мирзо авлодидан Умаршайх Мирзонинг ўғли Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг тўнғич фарзанди (исми Носириддин)дир. У 1508 йилда Қобулда туғилган. 23 ёшида тахтга ўтирган, ички-ташқи низоларни бартараф этишда гоҳ ғолиб, гоҳ мағлуб бўлар, айниқса, туғишган укаларининг хатти-ҳаракатидан қаттиқ озор чекар эди.



«Менки булбулдек гуледин куймишам оҳанг ила...»

“Хумоюн маданиятли ва ўқимишли киши эди”, деб ёзган Жаҳоҳарлаъл Неру. Дарҳақиқат, Хумоюн ҳам худди отаси сингари адабиётга ошно бўлган. Китоб ўқишни ёқтирган. У, шунингдек, фалакиёт ва математикага оид илмларга қизиқар, мусиқани сева, адабий-бадий анжуманлар ўтказиб турарди. Мутрибий Самарқандий ўзининг “Нусхаи Зебои Жаҳонгир” тазкирасида Хумоюннинг мусикий илмга оид асари ҳақида ёзган.

Айни пайтда бир гуруҳ тадқиқотчилар тазкиралар, тарихий манбалардан Хумоюннинг форсийда ёзилган ғазал, рубоий, фардларидан 250 байт жамладик, фақат куйидаги ушбу байт туркида битилган:

Менки, булбулдек гуледин куймишам оҳанг ила, Ўт солибдур жонима рухсорae гулранг ила.

Маълумки, Бобур Мирзо ўз мулозимларидан Байрамхон (Қорақуюнли туркларнинг Баҳор-

лу қабиласидан), лақаби “Хони Хонон” ҳақида “Равзат ус-салотин”да: “Қандаҳор водийси ҳокими ғоят дарвеш сийрат ва парҳежкор ва раиятпарвар эди. Қандаҳордаги ва вилоятдагилар унга муяссар бўлди, у ҳақда адолатдан бошқа сўз айтилмас эди. Ул мулкда фаровонлик ва тинчлик камол топган, “ором саройи” мисоли эди. Бу вилоятда унинг шеърлари эътибор қозонди. Туркий ва форсийдаги шеърлари яхшидир”, дейди. Унинг бир ғазалидан келиб чиқадиган мазмун шундай: Эй дил, агар гамли дилстонинг бўлмаса, агар давр Хизри бўлсанг ҳам, жонинг йўқ; агар лола каби сийнанг чок бўлмаса, муҳаббат доғидан сенда асар йўқ. Байрамга қара, маъно мулкида у каби нозик тушунувчи йўқ.

Байрамхон ва Хумоюннинг турли воқеалар муносабати билан бир-бирларига ёзган шеърлари, бадиҳалари бор, баъзиларида кўришиш истаги,

соғинч дардлари баён этилади. Байрамхон девонида Хумоюнга бағишлаб 79 байтли қасида ёзилган.

Хумоюннинг шеърларида тим-соллар, руҳий кечинмалар, орзу-умидлар қаламга олинган. Гарчи Хумоюн Қобулда туғилган эсада, отаси Бобур каби Ватанни

соғиниб яшаган. Қондан ўтганми ё отасини ҳар жиҳатдан яхши англаганими, хуллас ҳаёти ва ижодида унга дилбаста бўлган. Бу ҳолат унинг асарларида ҳам яққол акс этган.

Куйида Хумоюн Мирзо қаламига мансуб ғазаллардан бирини эътиборингизга ҳавола этамиз:



Бир бокдиму боз ташнаи дийдор бўлдим, Эй шўх, яна сенга ғирифтор бўлдим.

Осуда эдим, тун-кеча уйқумда кўриб, Фарёд чекиб, лаҳзада бедор бўлдим.

Кўнглимга дедимки, бас, ҳамон сабр айла, Сабр этмади ул, хастаю бемор бўлдим.

Йўқ эрди хушим, ўйлаки, ёдимга тушиб, Ул нозли нигоҳинг, яна хушёр бўлдим.

Гул берди Хумоюнга уфоринг хабарин, Гулзор демагил, гулга сазовор бўлдим...

Сўйима **ҒАНИЕВА**,
Тошкент давлат шарқшунослик
институтини профессори.

Маданият хабарлари



Тошкент молия институтида улўғ мутафаккир шоир Алишер Навоий таваллудининг 573 йиллигига бағишланган илмий-адабий кеча бўлиб ўтди.

Шоир хотирасига эҳтиром

“Навоий мероси ва замондошлар” мавзuida- ги ушбу тадбирда шоир ҳамда ёзувчилар, навоий- шунос олимлар, талабалар қатнашди. Анжуманда сўзга чиққанлар Навоий асарларида илгари сурилган ғоялар, миллат тақдирининг, унинг бирлигига дахлдорлик, юрт равнақи йўлида фидойилик ҳақида сўз юритдилар. Шунингдек, мамлакатимизда мустақиллик йилларида адабиётга қаратилаётган ало-

ҳида эътибор, ижод ахлининг давлатимиз томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани Навоий даҳосини мукамал ўрганиш ва тадқиқ қилиш имконини бергани эътироф этилди.

Кечада ёшлар томонидан Навоий ғазаллари ўқилди, шунингдек, буюк шоир ғазаллари асосида яратилган кўшиқлар ижро этилди.

Раъно ХЎЖАҚУЛОВА.

«Ширинтой» совғаси

Соғлом бола йилининг илк ойларида иш бошлаган “Ширинтой” кўйирчоқ студияси ўз сахна асарлари билан қисқа мuddатда болажонлар кўнглига йўл топди.



ТАҚДИМОТ

■

Наманган шаҳар ҳокимлиги маданият ва спорт ишлари бўлими қошида ташкил этилган мазкур ижодий гуруҳ мактаб ҳамда мактабгача таълим муассасаларида “Шодиполвон ва Ҳодиполвон хангомалари” номли дастурини ёш тоmosабинларга намойиш этмоқда.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Завқли томошага марҳамат

Жорий йилнинг 8 февралидан Ўзбекистон давлат циркида “Варшава цирки тоmosшалари” деб номланган халқаро дастур мухлислар хуқмига ҳавола қилина бошланди.

Унда польшалик цирк усталари билан бирга, африкалик ҳамда Ҳамдўстлик давлатлари цирк жамоалари ҳам иштирок этмоқда. Улар орасида С. Гулевич раҳбарлигидаги “Хинд филлари”, Д. Мясоедов бошчилиги-


даги “Шарк фантазияси” тоmosшалари, африкалик С. Карим бошчилигидаги олов ўйинлари, шунингдек, акробатлар гуруҳининг кўргазмали чиқишлари алоҳида ажралиб туради.

Бахтиёр ХОЛИМРИЗАЕВ.

Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти Деҳлида намойиш этилди

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Республикаимизда мавжуд бўлган замонавий сайёҳлик инфратузилмаси ҳамда сайёҳларга кўрсатиладиган сервис даражаси хусусидаги ахборотлар дунёнинг турли бурчакларидан келган соҳа мутахассислари ва меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди.



қизиқарлилиги билан сайёҳларни жалб этаётир. Шу билан бирга, мамлакатингизнинг қулай иқлим шароити уларга танлаш имкониятини ҳам беради. Хусусан, ҳар бир мавсумда, яъни йилнинг исталган пайтида Ўзбекистон бўйлаб саёҳатга бориш мумкинлиги алоҳида эътиборга молиқдир. Бундай қулайлик, шубҳасиз, сайёҳларнинг узлуқсиз оқимини таъминлайди.

Брижендер Пратап Сингх, “Dook Consalting Services” компанияси директори:
— Биз бир неча йилдан буён юртингиз туризм салоҳиятини ҳинд сайёҳлик бозорида намойиш этиб келамиз. Ўзбекистонни, унинг жаҳонга машҳур шаҳарлари ҳамда уларда жойлашган тарихий-меъморий обидаларини ўз кўзи билан кўришга орзумандлар сонига тобора ошиб бормоқда. Тўрт мингдан ортиқ тарихий-маданий гўшалар-

га эга бўлган Ўзбекистондан саёҳатчиларимиз жуда бой таассуротлар билан қайтишапти. Ўлкангизнинг гўзал табиати, меъморий мероси, халқингизнинг амалий санъати, ўзига хос урф-одат ҳамда анъаналари ва, албатта, ўзбек миллий таомлари борган сари ҳинд сайёҳларининг ҳам эътиборини ўзига тортаётир.

Бугунги тадбир доирасида биз бир неча агентликлар билан ҳамкорликда Ўзбекистонга сайёҳларнинг янги гуруҳларини жўнатиш борасида келишувларга эришдик. Шу билан бирга, туристларнинг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, бир турнинг ўзида мамлакатингизнинг бир неча тарихий шаҳарлари бўйлаб саёҳатни ўз ичига олган йўналишни ҳам ишлаб чиқдик. Бизнинг ташаббусимиз ўзбек ҳамкорларимиз томонидан қўллаб-қувватланишига ишонамиз.

«Жаҳон» АА.
Дехли

Спорт

“Moscow Open — 2014” халқаро шахмат фестивалида ҳамюртимиз Нафиса Мўминова кумуш медални қўлга киритди.

Ҳамюртимиз совриндорлар сафида



Нуфузли мусобақанинг талаба-гроссмейстерлар ўртасидаги бахсларда иштирок этган истейдодли вакилаимиз дастлабки турларда мезбон спортчилар — Варвара Саулина, Лидия Томникова, Ирина

Василевич, Анна Ганцеладзедан устун келди. Кейинги партияларда эса у қизлар ўртасида жаҳон чемпиони, россиялик Мария Северина, грузиялик Мери Арабидзе, хитойлик Ванг Юэ ва украинка билан дуранг уйнади.

Яқунда тўққиз имкониятдан олти очко жамғарган Нафиса нафақат совриндорлар қаторидан жой олди, балки муҳим рейтинг очколарига ҳам эга бўлди.

Жуфтликда ғолиб чиқди

Мамлакатимизнинг биринчи рақамли ракетка устаси Денис Истомин Франциянинг Монпелье шаҳрида ўтказилган “Open Sud de France — 2014” халқаро турнирининг жуфтлик бахсларида ғолиб бўлди.


Россиялик Николлай Давиденко билан биргаликда совринли ўринлар учун кураш олиб борган ҳамюртимиз мусобақа давомида Михаил Пшисеж-ни ва Александр Недовесов (Польша/Қозоғистон), Нил ҳамда Кен Скупски (Буюк Британия), Жунайд Рамиз ва Айсам Куреший (Австралия/Покистон), Николас Маю ҳамда Марк Жикел (Франция) танделларини доғда қолдириб, ана шундай натижани қайд этди.

Шундай қилиб, Денис Професионал теннисчилар уюшмаси (АТР) таснифидagi мусобақаларда иккинчи бор бош совринга сазовор бўлди. Бунгача у “Кремль кубоги — 2013” мусобақасининг жуфтлик беллашувларида ҳам ғолиблик нашидасини сурган эди.



Мавсумни муваффақиятли бошлади

Енгил атлетика бўйича терма жамоамиз аъзоси Надежда Дусанова учун ҳам янги спорт мавсуми омадли бошланди.



Маҳоратли атлетимиз Германиянинг Арнштатт шаҳрида ўтказилган баландликка сакраш мусо-

бақасида бир метр 94 сантиметр натижа қайд этиб, бронза медал билан тақдирланди.

Халқаро турнирининг олтин ва кумуш медаллари польшалик Камилла Личвинко ҳамда германиялик Мари-Лоренс Юнгфляйшга насиб этди.

Фазлиддин АБИЛОВ
тайёрлади.

Реклама

Республика аҳолиси диққатига!

«FPI-DELIVERY SERVIS» МЧЖ

боғдорчилик, иссиқхона ҳамда томорқада экин қатор ораларига ишлов бериш учун мўлжалланган ёнилги тежайдиган, ихчам ва қулай, ишлаб чиқариш қуввати юқори бўлган

«TIGUAN»

русумли мотокультиваторларни тақлиф этади.

Тўлов пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Махсуслот сертификатланган.

Мурожаат учун телефонлар:
(+99894) 160-27-24, (+99890) 176-81-45.
Факс: (8-371) 234-62-45.

HYUNDAI HEAVY INDUSTRIES CO., LTD.

Экскаваторы колесные и гусеничные
Экскаваторы-погрузчики
Фронтальные погрузчики
Мини погрузчики

GST OIL
ОФИЦИАЛЬНЫЙ ДИСТРИБЬЮТОР В УЗБЕКИСТАНЕ

Моб. (+998 98) 123-48-30.
Тел.: (+998 71) 269-29-62,
(+998 71) 269-29-63.
Факс (+998 71) 269-29-60.

100050, Ўзбекистон,
г. Ташкент,
ул. Искисев, 118,
gsthundai@gmail.com

ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН 1429/95

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

“Ўзмонтажмахсуқурилиш” уюшмаси жамоаси бош муҳандис Бахтиёр Ҳамидуллаевич Асадуллаевга ўғли Хуршид АСАДУЛЛАЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 269. 140 318 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ТАХРИРИЯТГА келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас. Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳфаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Набатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Набатчи — Ю. Бўронов.
Мусахҳиҳ — С. Исмолов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.20 Топширилди — 21.45 1 2 3 4 5